



2020 yil 22 июн

688-Қ - sonli

Ishtixon sh.

Иштихон тумани “Шейхларкент” МФЙ  
“Мирзамитан” қишлоғида яшовчи фуқаро  
Донакулов Жамшид Мурод ўғлига  
ободонлаштириш ишларини амалга ошириш  
учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 январдаги “Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6 ва 20-моддаларига асосан фуқаро Донакулов Жамшид Мурод ўғлининг Иштихон тумани “Кутарма” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган туман ҳокимлиги захира ер майдони ҳисобида бўлган ер майдонини ободонлаштириш учун ажратиб беришини сўраб ёзган аризасини туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг 2020 йилдаги далолатномасини кўриб чиқиб

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг 2020 йилдаги далолатномаси тасдиқлансин.
2. Иштихон тумани “Шейхларкент” МФЙ “Мирзамитан” қишлоғида яшовчи фуқаро Донакулов Жамшид Мурод ўғлига “Кутарма” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги туман ҳокимлиги захира ер майдонлари ҳисобида бўлган 430а-рақамли контурдан 0,4 гектар қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонини капитал қурилиш ишларини олиб бормаслик шарти билан мевали ва манзарали дарахтлар экиб ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун қонунда белгиланган муддатга ажратиб берилсин.
3. Фуқаро Мардонов Икромга белгиланган тартибда техника хавфсизлиги қоидаларига роия қилган ҳолда ободонлаштириш ишларини амалга ошириш вазифаси юклатилсин.
4. Туман бош архитектору (А.Муродов)га ободонлаштириш учун ажратилган ер майдонини натурада ўлчаб бериш вазифаси топширилсин.
5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исломов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Ш.Негматов